

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР  
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**44** **Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқнома иловасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1845-2*

*(2010 йил 13 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон, 303-модда) асосан ҳамда таълим муассасаларида тўпланган тажрибаларни инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 25 августдаги 39, 36/ҚҚ ва 01-275-сон қарори (рўйхат рақами 1845, 2008 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 35-36-сон, 350-модда) билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқнома иловасининг 1-параграф «Малака талаблари» қисмининг «а» ва «б» бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«а) олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, касб-хунар коллежининг таълим йўналишларидан камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот);

б) таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-

ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 18 январь,  
89 Қ/Қ-сон

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими  
маркази директори**

**Ш. ЖАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 18 январь,  
01 Қ/Қ-сон

**Давлат тест  
маркази директори**

**Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 18 январь,  
01 Қ/Қ-сон